

БУХОРО ДАВЛАТ ТИББИЁТ ИНСТИТУТИ
ҲУЗУРИДАГИ ИЛМИЙ ДАРАЖАЛАР БЕРУВЧИ
DSc.04/30.04.2022.Tib.93.01 РАҚАМЛИ ИЛМИЙ КЕНГАШ

БУХОРО ДАВЛАТ ТИББИЁТ ИНСТИТУТИ

КУВАТОВ ЗОХИД ХАЙИТОВИЧ

СИРКА КИСЛОТАСИДАН ЗАХАРЛАНИШДА ТИЗИМЛИ
ЯЛЛИҒЛАНИШ РЕАКЦИЯСИ СИНДРОМИ

14.00.36 – Аллергология ва иммунология

ТИББИЁТ ФАНЛАРИ БЎЙИЧА ФАЛСАФА ДОКТОРИ (PhD)
ДИССЕРТАЦИЯСИ АВТОРЕФЕРАТИ

БУХОРО – 2022

Фалсафа доктори (PhD) диссертацияси автореферати мундарижаси

Оглавление автореферата диссертации доктора философии (PhD)

Contents of dissertation abstract of doctor of philosophy (PhD)

Куватов Зоҳид Хайитович

Сирка кислотасидан захарланишда тизимли
яллиғланиш реакцияси синдроми 5

Куватов Зоҳид Хайитович

Синдром системной воспалительной
реакции при отравлении уксусной кислотой 23

Kuvatov Zokhid Khayitovich

Systemic inflammatory response syndrome
in acetic acid poisoning 43

Эълон қилинган нашрлар рўйхати

Список опубликованных работ
Lists of published works 47

БУХОРО ДАВЛАТ ТИББИЁТ ИНСТИТУТИ
ҲУЗУРИДАГИ ИЛМИЙ ДАРАЖАЛАР БЕРУВЧИ
DSc.04/30.04.2022.Tib.93.01 РАҚАМЛИ ИЛМИЙ КЕНГАШ

БУХОРО ДАВЛАТ ТИББИЁТ ИНСТИТУТИ

КУВАТОВ ЗОХИД ХАЙИТОВИЧ

СИРКА КИСЛОТАСИДАН ЗАХАРЛАНИШДА ТИЗИМЛИ
ЯЛЛИҒЛАНИШ РЕАКЦИЯСИ СИНДРОМИ

14.00.36 – Аллергология ва иммунология

ТИББИЁТ ФАНЛАРИ БЎЙИЧА ФАЛСАФА ДОКТОРИ (PhD)
ДИССЕРТАЦИЯСИ АВТОРЕФЕРАТИ

БУХОРО – 2022

Фалсафа доктори (PhD) диссертацияси мавзуси Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси ҳузуридаги Олий аттестация комиссиясида В2021.3.PhD/Tib2177 рақам билан рўйхатга олинган.

Диссертация Бухоро давлат тиббиёт институтида бажарилган.

Диссертация автореферати уч тилда (ўзбек, рус, инглиз (резюме)) Илмий кенгаш веб-саҳифасида (www.bsmi.uz) ва «ZiyoNet» Ахборот-таълим порталида (www.ziyounet.uz) жойлаштирилган.

Илмий раҳбар	Абдурахманов Мамур Мустафоевич тиббиёт фанлари доктори, профессор
Расмий оппонентлар	Мусоходжаева Диляром Абдуллаевна биология фанлари доктори, профессор Козлов Иван Генрихович тиббиёт фанлари доктори, профессор (Россия Федерацияси)
Етакчи ташкилот	Тошкент тиббиёт академияси

Диссертация ҳимояси Бухоро давлат тиббиёт институти ҳузуридаги DSc.04/30.04.2022.Tib.93.01 рақамли Илмий кенгашнинг 2023 йил «___» _____ кунни соат ___ даги мажлисида бўлиб ўтади. (Манзил: 200118, Бухоро шаҳри, А.Навий шох кўчаси, 1-уй. Тел./Факс: (+99865) 223-00-50; тел: (+99865) 223-17-53; e-mail: buhmi@mail.ru.)

Диссертация билан Бухоро давлат тиббиёт институти Ахборот-ресурс марказида танишиш мумкин (___ рақами билан рўйхатга олинган). (Манзил: 200118, Бухоро шаҳри, А.Навий шох кўчаси, 1-уй. Тел./Факс: (+99865) 223-00-50.)

Диссертация автореферати 2022 йил «___» _____ кунни тарқатилди.
(2023 йил «___» _____ даги ___ рақамли реестр баённомаси).

А.Ш. Иноятов

Илмий даражалар берувчи илмий кенгаш раиси, тиббиёт фанлари доктори, профессор

Н.Н. Казакова

Илмий даражалар берувчи илмий кенгаш илмий котиби, тиббиёт фанлари бўйича фалсафа доктори (PhD), доцент

Б.З. Хамдамов

Илмий даражалар берувчи илмий кенгаш қошидаги илмий семинар раиси, тиббиёт фанлари доктори

КИРИШ (фалсафа доктори (PhD) диссертацияси аннотацияси)

Диссертация мавзусининг долзарблиги ва зарурияти. Куйдирувчи моддалар билан ўткир заҳарланиш кимёвий этиологияли ўткир заҳарланишнинг 12% идан 16% игача ва ўткир кимёвий заҳарланиш билан касалхонага ётқизилган беморларнинг умумий оқими қисмидан 3-4 ўринни (7%) эгаллайди. Уйда куйдирувчи моддалар билан ўткир заҳарланишнинг кенг тарқалган хилларидан бири кислоталар ва ишқорлар билан заҳарланиш бўлиб, ихтисослашган токсикология даволаш марказларининг статистик маълумотларига кўра, «...куйдирувчи моддалар натижасида ўткир заҳарланиш билан касалхонага ётқизилган барча беморларнинг ўртача 69,6% ида концентрланган сирка кислотаси билан заҳарланиш аниқланган...»¹. Шунга мос сирка кислотаси билан ўткир заҳарланишда кечки асоратларни олдини олишнинг янги усуллари, турли этиологияли ўткир экзоген моддалар билан заҳарланган беморларни даволашнинг янги стандартларини ўрганиш чораларини ишлаб чиқиш муҳимдир.

Дунё бўйича бажарилган тадқиқотлар натижасида куйдирувчи моддалар билан ўткир заҳарланиш оғир тиббий, ижтимоий ва иқтисодий оқибатларга олиб келиши кўрсатиб берилган. Аниқланишича, даволашнинг кўп маблағ талаб этиши, узоқ муддат давомида меҳнатга лаёқатсизлик, ногиронлик, юқори ўлим кўрсаткичлари ушбу патологияга бўлган эътиборнинг юқори бўлишини талаб этади. Куйдирувчи токсик моддалар билан ўткир заҳарланиш юқори ўлим кўрсаткичлари билан ифодаланиши аниқланган, бу айниқса, сирка кислотаси билан заҳарланишга хос бўлиб, ўртача 11,7% ни ташкил этган. Айрим шифохоналарда бу кўрсаткич 30,6% гача етгани, ўткир заҳарли моддалар туфайли юзага келган ўлим кўрсаткичлари орасида сирка кислота 72% ни эгаллаган. Сирка кислотасининг токсик хусусияти, унинг организмга кирган концентрацияси миқдорига тўғри пропорционал. Кундалик ҳаётда сирка эссенцияси, деб аталадиган 30-70% эритма оғир кимёвий куйишга олиб келади. Юқорида келтирилган маълумотлар ушбу муаммо бўйича илмий-тадқиқот ишларини давом эттириш зарурлигини тақозо этади.

Мамлакатимизда тиббиётга, айниқса шошилиш тиббиётга бўлган эътибор тобора ортиб бораётгани, кўпчилик патологиялар қатори куйдирувчи моддалар натижасида ўткир заҳарланишни даволаш, реабилитация қилишга эътибор кучаяётгани қувончли ҳолдир. Бу бўйича мамлакатимизни 2022-2026 йиллар давомида ривожлантириш Стратегиясида баён этилган 7 та устувор йўналишнинг 4-қисм 56-мақсадида «...аҳоли саломатлигини муҳофаза қилиш, тиббиёт ходимлари потенциалини ошириш ва соғлиқни сақлаш тизимини ривожлантиришнинг 2022-2023 йилларга мўлжалланган дастурини амалга оширишга йўналтирилган комплекс чора-тадбирларни амалга ошириш...»² вазифалари белгиланган. Шунга асосан тўқималар ва

¹ Орлов Ю.П., Васильев С.А Реанимация и интенсивная терапия пациентво с отравлением уксусной кислотой // Клинические рекомендации, - Москва. – 2016, - 20 с.

² Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2022 йил 28 январдаги ПФ-60-сон «2022-2026 йилларда Янги Ўзбекистонни ривожлантириш стратегияси тўғрисида» ги Фармони

шиллик қаватлардаги абсорбцион қобилиятнинг ўзига хос хусусиятларини аниқлаш, патологик ҳолат ривожланишига қараб иммун тизимининг ҳолатини ўрганиш орқали ўткир захарланишни ташхислаш ва интенсив терапия усулларини такомиллаштириш муҳим вазифалардан бири бўлиб қолмоқда.

Мазкур диссертация тадқиқоти Президентининг 2018 йил 7 декабрдаги ПҚ-5590-сон «Ўзбекистон Республикаси соғлиқни сақлаш тизимини тубдан такомиллаштиришга доир комплекс чора-тадбирлар тўғрисида» ги Фармони, 2020 йил 12 ноябрдаги ПҚ-4891-сон «Тиббий профилактика самарадорлигини янада ошириш орқали аҳоли саломатлигини таъминлашга доир қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида» ги қарори, 2021 йил 25 майдаги ПҚ-5124-сон «Соғлиқни сақлаш тизимини ҳар томонлама ривожлантиришга доир қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида» ги қарори ҳамда мазкур фаолиятга тегишли бошқа меъёрий-ҳуқуқий ҳужжатларда белгиланган вазифаларни амалга оширишга муайян даражада хизмат қилган.

Тадқиқотнинг республика фан ва технологиялари ривожланишининг устувор йўналишларига мослиги. Мазкур тадқиқот республика фан ва технологиялар ривожланишининг VI. «Тиббиёт ва фармакология» устувор йўналишига мувофиқ бажарилган.

Муаммонинг ўрганилганлик даражаси. Ҳозирги вақтда сирка кислотаси таъсирининг патогенетик механизмлари, экзотоксик шокнинг ривожланиши, эндоваскуляр гемолиз, токсик нефропатия ва гепатопатиялар етарли даражада батафсил ўрганилган (Турсунова Н.И., 2019). Аммо, шунга қарамай, ушбу муаммога қизиқиш сезиларли даражада сақланиб қолмоқда (Даминов Ф.А., 2021). Турли муаллифлар фикрига кўра, сирка кислотаси билан захарланишни даволашда эришилган кўпгина ютуқларга қарамасдан, ҳатто ихтисослашган шифохоналарда ҳам ўлим кўрсаткичи 20% дан 70% гача сақланиб қолмоқда (Михеев Е.Ю., 2017)

Акалаев Р.Н. ва ҳаммуал. (2018) маълумотларига кўра, гемодинамик бузилишлар сирка кислотаси билан захарланишнинг характерли синдромларидан бири бўлиб, экзотоксик шокнинг пайдо бўлиши 60% ни ташкил қилган.

Сирка кислотаси билан оғир захарланиш полиорганик дисфункция ривожланишига олиб келиб, бу сирка кислотасининг турли патогенетик даражада таъсир эта олиш хусусиятини белгилайди (Турсунова Н.И., 2019) Бир қатор муаллифларнинг таъкидлашича, критик шароитда гипоксия яллиғланиш медиаторларининг кўпайиши, цитокинлар ва кининларнинг фаоллашиши, қон томир ўтказувчанлигининг ошиши, қоннинг ёпишқоқлиги ва микротромбознинг кўпайишидан иборат тизимли яллиғланиш реакцияси шаклланишига олиб келади (Михеев Е.Ю., 2017) Тизимли яллиғланиш реакцияси ва гипоксия доимо протеолитик жараёнлар фаоллашуви, коагуляция ва фибринолитик тизимлар билан боғлиқ (Лукин В.А., 2017).

Сўнгги йилларда турли хил патологик шароитларда иммун тизимини ўрганиш клиник тадқиқотчиларнинг эътиборини кўпроқ ўзига жалб этиб келмоқда. Мақсадли клиник ва иммунологик тадқиқотлар касаллик

ривожланишини индивидуал баҳолаш, яллиғланиш асоратлари, пневмония, сепсис, полиорганик етишмовчилигини олдиндан айтиш ва ривожланиши аниқлашнинг илмий асосланиши учун зарурдир (Лукин В.А., 2014)

Шу билан бирга, сирка кислотаси билан заҳарланишда уларни клиник токсикологияда қўллаш имконияти бугунги кунгача кўриб чиқилмаган ва текширилмаган ҳисобланади. Ўткир сирка кислотаси билан заҳарланишда тизимли яллиғланиш муаммоси бўйича умумлаштирувчи кенг қамровли тадқиқотлар мавжуд бўлмай, ўткир экзотоксикоз патогенезининг ушбу компонентни тузатиш усуллари етарли даражада аниқланмаган. Ўткир сирка кислотаси билан заҳарланиш асорати сифатида, беморларда юқумли касалликлар ривожланишида тизимли яллиғланиш реакцияси синдромининг роли ҳақида маълумот бўлмай, бу беморларни даволаш давомийлиги узайиши сабабларидан бири бўлиб, ўткир заҳарланишнинг соматоген босқичида ўлим хавфини оширади.

Сирка кислотаси билан ўткир заҳарланишдан кейинги беморларда иммун тизим бузилишлари пайдо бўлишининг аниқ илмий исботланган далиллари йўқлиги сабабли ҳозирги кунда мазкур патология нафакат замонавий токсикологиянинг, балки иммунология ва хирургиянинг долзарб муаммоларидан бири бўлиб қолмоқда. Бироқ, кўплаб тадқиқотларга қарамай, сирка кислота билан заҳарланишнинг узоқ муддатли натижалари ҳали ҳам тўлиқ маълум эмас (Roosen J., 2015; Thapa P. et al., 2019).

Шуни алоҳида таъкидлаш керакки, шу пайтгача сирка кислотаси билан заҳарланишни даволашда қўлланиладиган анъанавий методикалар тизимли яллиғланиш реакцияси синдромининг таркибий қисмлари бўлган патологик реакцияларга, хусусан, иммунокорректив даволаш каби фармакологик таъсир механизми аниқланмаган бўлиб, бу муаммони ўрганиш долзарб масаладир.

Тадқиқотнинг диссертация бажарилган илмий тадқиқот муассасасининг илмий-тадқиқот ишлари режалари билан боғлиқлиги
Диссертация тадқиқоти Бухоро давлат тиббиёт институтининг (05.2022 PhD 161) илмий-тадқиқот ишларининг режасига мувофиқ «COVID-19 дан кейин Бухоро вилояти аҳолиси соғлигига таъсир қилувчи, организмнинг патологик ҳолатини эрта ташҳислаш, даволаш ва олдини олиш бўйича янги ёндашувларни ишлаб чиқиш (2022-2026 йй.)» доирасида олиб борилган.

Тадқиқотнинг мақсади сирка кислотаси билан заҳарланиш асоратлари патогенезида тизимли яллиғланиш реакцияси синдромини ўрганиш асосида иммун дисфункциянинг аҳамиятини аниқлашдан иборат бўлган.

Тадқиқот вазифалари:

сирка кислотали заҳарланишда тизимли яллиғланиш реакцияси синдромининг асосий клиник кўринишларини ўрганиш ва баҳолаш;

сирка кислотаси билан заҳарланган беморларда тизимли яллиғланиш реакцияси синдроми маркёрларининг диагностик сезгирлиги ва информатив қийматини аниқлаш;

сирка кислота билан ўткир заҳарланишнинг патологик жараён динамикаси ва қўлланилаётган терапия фонида яллиғланиш реакцияси синдроми патогенезида иммун дисфункциясининг ролини ўрганиш;

сирка кислотаси билан заҳарланган беморларда яллиғланиш ва яллиғланишга қарши цитокинлар таркиби бузилишини баҳолашнинг сезгир ва информацион мезонлари ва иммун тизими кўрсаткичларининг прогностик аҳамиятини аниқлаш.

Тадқиқотнинг объекти сифатида Республика шошилиш тиббий ёрдам илмий маркази Бухоро филиалига мурожаат қилган 103 нафар бемор бўлган. Назорат гуруҳи 30 нафар соғлом кишидан иборат бўлган.

Тадқиқотнинг предмети сифатида вена қони ва қон зардоби, иммунологик ва биокимёвий текширувлар натижалари олинган.

Тадқиқот усуллари. Диссертация ишида клиник, иммунологик, биокимёвий, функционал ва статистик тадқиқот усулларидан фойдаланилган.

Тадқиқотнинг илмий янгилиги қуйидагилардан иборат:

сирка кислотаси билан ўткир заҳарланган беморлар госпитализация қилинган кунданок қондаги интерлейкин-6, интерлейкин-10, прокальцитонин каби тизимли яллиғланиш реакцияси синдроми маркёрлари ошиши аниқланган бўлиб, тизимли яллиғланиш реакцияси синдромининг интенсификацияси касалхона ичи пневмонияси ва сепсис каби асоратлар билан боғлиқлиги исботланган;

сирка кислотаси билан заҳарланган беморларда клиник ва иммунологик текширишнинг мақсадга мувофиқлигини асосланган, яллиғланиш асоратларини прогноза, пневмония диагностикаси учун биринчи кўриш энг сезгир ва информацион кўрсаткичлар - интерлейкин-6, интерлейкин-10, прокальцитонин, D-димер, C-реактив оксил сезгирлиги ва информативлиги учинчи кўриш сақланиб қолиши исботланган;

сирка кислотаси билан заҳарланган беморларда пневмония ривожланишининг юқори эҳтимоли интерлейкин-6 қон зардобидаги концентрацияси 161 пг/мл ва ундан кўп, интерлейкин-10 ники 66 пг/мл ва ундан кўп, прокальцитонинники 0,8 нг/мл ва ундан кўп ва D-димерники 1,48 мкг/мл ва ундан кўп бўлиши билан тавсифланиши аниқланган;

ушбу беморларда заҳарланишнинг биринчи кўришда ўлим хавфи учун сезгир ва прогностик мезонлар интерлейкин-6 нинг қон зардобидаги концентрацияси 201 пг/мл ва ундан юқори, интерлейкин-10 нинг 131 нг/мл ва ундан юқори, прокальцитониннинг 1,9 нг /мл ва ундан юқори, D-димернинг 2,93 мкг/мл ва ундан юқори бўлиши аниқланган.

Тадқиқотнинг амалий натижалари қуйидагилардан иборат:

сирка кислотаси билан ўткир заҳарланган барча беморларда тизимли яллиғланиш реакцияси синдромининг ривожланиш белгилари беморларни касалхонага қабул қилиш вақтида белгиланиши кўрсатилган;

сирка кислотаси билан заҳарланишда тизимли яллиғланиш реакцияси синдромининг оғирлик даражаси ва уни даволаш самарадорлигини баҳолаш учун қонда интерлейкин-6, интерлейкин-10, прокальцитонин, D-димер, C-реактив оксил миқдорларини касаллик кечиш динамикасида аниқлаш тавсия этилган;

сирка кислотаси билан ўткир заҳарланиш билан касалланган беморларда сезиларли иммунитет пасайишини аниқланган ва иммунитет танқислиги

ривожланиши билан цитокин ҳолатида аниқланган иммунитетнинг сезиларли даражадаги пасайишлари, тизимли яллиғланиш реакцияси синдромининг ривожланишига ҳисса қўшишини асослаш амалий жиҳатдан аҳамиятга эга бўлиб, ўткир захарланишни комплекс даволашда иммунокорректив терапияни киритиш аниқланган;

сирка кислотаси билан захарланган беморлар кечишининг оғирлигини пасайтириш ҳисобига даволаш самарадорлигини оширади, пневмония, сепсис ва полиорганли етишмовчилик ривожланишининг олдини олиш, беморларнинг даволаниш муддатлари ва ўлим частотасини камайтириш имконини берган;

Тадқиқот натижаларининг ишончлилиги. Тадқиқотни амалга оширишда қўлланилган барча ёндашувлар, фойдаланилган усулларнинг кенг ахборот бериш имкониятига эга эканлиги, назарий ва амалий жиҳатдан аниқлиги, тадқиқот объектларининг етарлилиги, замонавий ташхислаш усулларнинг қўлланилганлиги, ўзаро бир-бирини тўлдирувчи клиник, анамнестик, биокимёвий, ҳамда статистик усулларга таянганлиги, олинган маълумотларга замонавий компьютер технологиялар ёрдамида ишлов берилганлиги, шу билан бирга, тадқиқот давомида олинган натижаларнинг маҳаллий ва ҳорижий илмий изланишлар билан солиштирилганлиги билан асосланган.

Тадқиқотнинг илмий ва амалий аҳамияти.

Тадқиқот натижаларининг илмий аҳамияти организмга сирка кислотасининг токсик дозасини қабул қилишга жавобан унинг шаклланиш қонуниятлари аниқланганлиги, илк бор сирка кислотаси билан ўткир захарланган барча беморларда беморларни касалхонага қабул қилиш пайтида тизимли яллиғланиш реакцияси синдроми ривожланиш белгилари аниқланганлиги, ушбу беморларда касалликнинг пневмония, ўлимга олиб келадиган полиорган етишмовчилиги асоратлари ривожланганлиги, беморларда тизимли яллиғланиш реакцияси синдроми ва аъзолар дисфункциясининг белгилари бутун кузатув даврида ҳар доим кўтарилганлиги аниқланганлиги билан изоҳланган.

Тадқиқотнинг амалий аҳамияти ўткир сирка кислотаси билан захарланган беморлар қонида интерлейкин-6, интерлейкин-10, прокалцитонин таркибидаги ўзгаришларнинг роли аниқланганлиги, касалхонага ётқизилгандан кейинги биринчи куни сирка кислотаси билан ўткир захарланишда қон плазмасида тизимли яллиғланиш реакцияси маркёрлари таркибида сезиларли ўсиш борлиги аниқланганлиги билан изоҳланган.

Тадқиқот натижаларининг жорий қилиниши. Сирка кислотаси билан захарланишда тизимли яллиғланиш реакцияси синдроми бўйича олинган маълумотлар асосида:

сирка кислотаси билан захарланиш асоратлари ва натижаларида тизимли яллиғланиш реакцияси синдромининг ролини баҳолашга имкон берадиган «Сирка кислотаси билан захарланиш асоратлари ва натижаларида тизимли яллиғланиш реакцияси синдромининг роли» услубий тавсияномаси

тасдиқланган (Соғлиқни сақлаш вазирлигининг 2022 йил 13 майдаги 8н-з/488-сон маълумотномаси). Мазкур услубий тавсиянома сирка кислотаси билан захарланиш асоратлари ва натижаларида тизимли яллиғланиш реакцияси синдромининг ролини аниқлаш ва баҳолаш имконини берган;

сирка кислотаси билан захарланишда тизимли яллиғланиш реакцияси синдромидаги ўзгаришларни аниқлаш ва баҳолаш бўйича олинган илмий натижалар соғлиқни сақлаш амалиётига, жумладан Гиждувон ва Бухоро туман тиббиёт бирлашмалари фаолиятига жорий этилган (Соғлиқни сақлаш вазирлигининг 2022 йил 7 июндаги 08-16054-сон хулосаси). Ушбу тадқиқот сирка кислотаси билан ўткир захарланишларда шиллиқ қаватлар зарарланиш даражасини ҳисобга олган ҳолда ташҳислаш, даволаш ва прогнозлаш усуллари ишлаб чиқишга имкон берган.

Тадқиқот натижаларининг апробацияси. Мазкур тадқиқот натижалари 6 та илмий-амалий анжуманларда, жумладан 3 та халқаро ва 3 та республика анжуманларда муҳокамадан ўтказилган.

Тадқиқот натижаларининг эълон қилинганлиги. Диссертация мавзуси бўйича жами 18 та илмий иш, шулардан Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси ҳузуридаги Олий аттестация комиссияси томонидан тавсия этилган илмий нашрларда 6 та мақола, жумладан 5 таси республика ва 5 таси хорижий журналларда нашр этилган.

Диссертациянинг тузилиши ва ҳажми. Диссертация таркиби кириш, учта боб, хотима, хулоса ва фойдаланилган адабиётлар рўйхатидан иборат. Диссертациянинг ҳажми 118 бетни ташкил этган.

ДИССЕРТАЦИЯНИНГ АСОСИЙ МАЗМУНИ

Кириш қисмида тадқиқот мавзусининг долзарблиги асосланган, мақсад ва вазифалари, тадқиқот объекти ва субъектлари тавсифланган, тадқиқот Ўзбекистон Республикасининг фан ва техника ривожланишининг устувор йўналишларига мувофиқлиги кўрсатилган, унинг илмий янгилиги ва амалий натижалари тақдим этилган, олинган натижалар ишончлилиги асосланган, илмий-амалий аҳамияти кўрсатилган, тадқиқот натижаларини амалиётга татбиқ этиш тўғрисида маълумотлар берилган, нашр этилган ишлар ва диссертация тузилиши тўғрисидаги маълумотлар келтирилган.

Диссертациянинг «**Сирка кислотаси билан захарланиш асоратлари патогенезида тизимли яллиғланиш реакцияси синдроми тўғрисида замонавий қарашлар**» деб номланган биринчи бобида диссертация мавзуси бўйича республика ва халқаро илмий тадқиқотлар шарҳи тақдим этилган. Мазкур қисмда сирка кислотаси билан захарланишнинг асосий клиник ва патогенетик жиҳатлари ҳақида замонавий қарашлар, сирка кислотаси билан захарланишда ушбу синдром шаклланишининг асосий тушунча ва қонуниятлари тасвирланган. Тизимли яллиғланиш реакцияси синдромининг ривожланишида иммун тизими ўзгариши ва эндотелиал дисфункциянинг роли, сирка кислотаси билан захарланишда полиорган етишмовчилиги ва яллиғланиш асоратлари алоҳида кўрсатилган. Эндоген интоксикация,

гемостаз ва фибринолиз механизмларини фаоллаштириш ва тизимли яллиғланиш реакцияси синдромини фармакологик даволаш усуллари бўйича тадқиқотчиларнинг маълумотлари келтирилган.

Диссертациянинг «Сирка кислотасидан заҳарланишда тизимли яллиғланиш реакцияси синдромини ўрганиш бўйича тадқиқот материали ва усуллар» деб номланган иккинчи бобида клиник материалнинг умумий тавсифи, тадқиқот усуллари тавсифланган.

Ушбу диссертация иши учун Республика шошилиш тиббий ёрдам илмий марказининг (РШТЎИМ) Бухоро филиалида сирка кислотаси ва ёки унинг ҳосилаларидан заҳарланиш оқибатида даволанган беморлар олинган. Иммунологик тадқиқотлар Ўзбекистон Республикаси Фанлар Академияси Иммунология ва одам геномикаси институтида олиб борилган.

Белгиланган вазифаларни бажариш учун беморларни босқичма-босқич текшириш комплекс усуллар ёрдамида амалга оширилган, анамнестик умумий текширув, кўкрак қафаси R-графияси, қорин бўшлиғи ултратовуш текшируви, ЭКГ, қон ивиш тизими, қон ва сийдикни токсикологик таҳлил қилиш, биокимёвий, гематологик, иммунологик лаборатория тестлари ўтказилган.

Барча беморлар сирка кислотасидан заҳарланиш натижаларига қараб 3 гуруҳга бўлинган:

I гуруҳ - заҳарланиш кечиши асоратсиз тузалиб кетган беморлар (n=21);

II гуруҳ - заҳарланиш кечиши пневмония кўринишидаги яллиғланиш асоратлари билан ўтиб, тузалиб кетган беморлар (n=68);

III гуруҳ - заҳарланишнинг давоси ва кечиши пневмония, сепсис, полиорган етишмовчилиги кўринишидаги яллиғланиш асоратлари билан ўлимга олиб келган беморлар (n=14).

Текширилган беморларнинг жинсга боғлиқ хусусиятларини таҳлил қилиш шуни кўрсатдики, эркакларга нисбатан аёлларда сирка кислотаси билан заҳарланиши 40 ёшгача бўлган шахсларда кўп (92,9%, n=86) учраган.

Заҳарланишнинг оғирлиги унинг клиник кўриниши ва белгиларига асосланган ҳолда интенсив терапия бўлими ёки токсикология бўлимига қабул қилинганда баҳоланган. Тизимли яллиғланиш реакцияси синдроми ривожланиш белгилари клиник жиҳатдан Америка пульмонологлар жамиятининг (АССР/СССМ) конференциясида белгиланган мезонлар билан аниқланган. Синдромнинг оғирлиги беморда аъзолар дисфункциясининг белгилари сони билан аниқланган. 2 та белги мавжуд бўлганда синдром энгил, 3 тада ўртача, 4 тада оғир даража, деб баҳоланган.

Иммун тизими ҳолатини баҳолаш, қон тестлари ва биокимёвий намуналар беморларни касалхонага ётқизилган пайт, даволашнинг 1, 3, 5-кунларда ўтказилган.

Қон зардобидидаги интерлейкинлар қаттиқ фазали иммунофермент анализ (ИФА) ёрдамида аниқланган. Қаттиқ фазали «сендвич»-вариантли ИФА дан фойдаланиб, бу вариантни амалга ошириш учун интерлейкинларга турли эпителио специфик бўлган иккита моноклонал антителалар – TNF- α , ИЛ-6, ИЛ-

8, ИЛ-10 дан фойдаланилган. Улар «Протеин контури» МЧЖ (Санкт-Петербург, РФ) тест-тизимлари ёрдамида ўрганилган.

Тадқиқот давомида олинган маълумотлар ПК Windows 10 тизимида ўрнатилиб, шу жумладан офис дастурлари ёрдамида статистик ишлов берилган. Тадқиқот материалларига параметрик ва параметрик бўлмаган таҳлил усуллари ёрдамида статистик ишлов берилган. Microsoft Office Excel 2019 электрон жадвалларида дастлабки маълумотларни тўплаш, тузатиш, тизимлаштириш ва натижаларни визуализация қилиш амалга оширилган. Статистик таҳлил IBM SPSS Statistics v.23 (IBM Corporation). дастури ёрдамида амалга оширилган.

Диссертациянинг «**Сирка кислотасидан захарланишда тизимли яллиғланиш реакцияси синдроми маркёрларининг диагностик сезгирлиги ва инфорацион қиймати**» деб номланган учинчи бобида урта таққослаш гуруҳидаги беморларнинг умумий хусусиятлари тавсифланган.


Сирка кислотаси билан захарланишдан кейинги биринчи кун ичида умумий қон текшируви кўрсаткичларини таҳлил қилиш натижасида умумий гемоглобин, эритроцитлар миқдори камайиши, лейкоцитлар ва эритроцитлар чўкиш тезлигининг (ЭЧТ) кўпайиши аниқланган. Сирка кислотаси билан ўткир захарланган оғир даражадаги беморлар қонида қабул қилинганидан кейин 24 соат ичида барча беморларда қон бирлиги ҳажмига нейтрофил гранулоцитлар сонининг кўпайиши натижасида лейкоцитоз кузатилган. Тадқиқотнинг 3-кунида беморларда гемоглобин даражаси 1-куни қабул қилинган беморларга қараганда 10,6% га паст бўлганлиги аниқланган. Сирка кислотаси билан захарланишдан 5 кун ўтгач, беморларда гемоглобин даражаси нормал даражадан паст, нормоцитик, нормохромик анемия ўртача оғирликда давом этганлиги аниқланган. Кузатилган даврда беморларда гемоглобин даражаси 28,4% га, қизил қон таначалари сони 20,0% га камайдиганлиги белгиланган.

Электролитлар таркибини баҳолашда беморларда хлоридлар, калий ва натрий концентрацияси нормал даражада эканлиги аниқланган. Шу билан бирга, беморларда креатинин даражаси юқори бўлган ва азотли қолдиқ маҳсулотлар: карбамиднинг қийматлари ҳам максимал даражада ошганлиги аниқланган. Сирка кислота билан захарланган беморларда протромбин индекси (ПТИ) одатдагидан паст бўлиб, бу гипокоагуляциянинг ривожланишини, тромбин вақти юқори бўлиши, узок муддатли томир ичи коагуляцияси синдроми- ДВС ривожланиши бошланишини кўрсатилган. Текширувнинг 3-кунида қондаги ПТИ (87%) нинг 1-кун (80%) билан солиштирганда кўпайиши аниқланган, ammo нормал даражага етмаганлиги таъкидланган. Беморларда фибриноген даражаси биринчи куни нормал миқдорий кўрсаткичлар доирасида бўлиб, кузатиш кунларининг 3- (18,8%) ва 5-кунларида (40,6%) аста-секин ошганлиги аниқланган. Беморларда ҚФТВ кўрсаткичларининг юқори қийматлари сақланиб турган.

Сирка кислота билан захарланишдан 5 кун ўтгач, беморларда ПТИ кўрсаткичлари нормал миқдорий кўрсаткичларга етмай, паст даражада эканлиги аниқланган. Сирка кислотаси билан захарланганидан 5 кун ўтгач,

кислота-асос ҳолати таҳлил қилинганда, беморларнинг қондаги рН қиймати, кислород ва карбонат ангидриднинг парциал босими кўрсаткичлари нормал даражада эканлигини аниқлаган (1-расм).

Сирка кислотаси билан захарланган беморларда ўртача қон босими (АҚБ ўрт.) ва юрак қисқаришлар сонининг (ЮҚС) ошиши фонида умумий периферик қон томир қаршилиги (УПҚТҚ), зарба индекси (ЗИ) ва марказий веноз босимнинг (МВБ) сезиларли пасайиши билан тавсифланиб, айланма қон ҳажмининг (АҚХ) асосий қисмини йўқотиш туфайли қон айланишининг гиподинамик варианты устунлик қилган. Гемодинамиканинг динамик кўрсаткичлари сирка кислотаси билан захарланган беморларда даволаниш бошланганидан 3 кун ўтгач, биринчи кун кўрсаткичлари билан умумий периферик қон томир қаршилиги, юрак уриш сони ва АҚБ кўрсаткичлари бир хил эканлиги аниқланган.



1-расм. Сирка кислотаси билан захарланган беморларда кислота - асосли гомеостазнинг динамик кўрсаткичлари

1-жадвал

Сирка кислотаси билан захарланган беморларда динамикаси гемодинамик параметрлар

Кўрсаткич	Касалхонага тушган кунлар		
	1-кун	3-кун	5-кун
УПҚТҚ, дин/с x см ²	890±0.34 (855; 940)	860±0.31 (780; 870) *	780±0.24 (780; 840) *
ЗИ, мл/м ²	24±0.6 (21; 26)	25±0.5 (27; 30) *	25±0.4 (33;36) *
ЮИ, л/мин x м ²	2,2±0.8 (2,0; 2,5)	2,4±0.7 (2,3; 2,6) *	2,4±0.6 (2,7; 3,0) *
ЮҚС/мин	98±2.6 (92; 102)	96±2.3 (84; 87) *	96±2.4 (80; 86) *
АҚБ ўрт., мм рт. ст.	80±2.8 (75; 85)	91±2.1 (80; 87) *	90±2.8 (85; 91) *
МВБ, мм рт. ст.	1±0.03 (1; 2)	2±0.04 (2; 3) *	2±0.05 (2; 3) *

Эслатма: * - соғлом кўрсаткичлар орасидаги маълумотлар фарқи ($p < 0.05$).

Гемодинамик параметрларни ўрганиш шуни кўрсатдики, сирка кислота билан захарланишидан 5 кун ўтгач, кўрсаткичларни нормаллаштириш тенденцияси давом этган, сирка кислота билан захарланган барча беморларда тахикардия ва гипертония тенденцияси сақланиб қолиб, энг юқори даража периферик қон томир қаршилиги, юрак тезлиги ва қон босими кўрсаткичлари, энг пасти эса зарба индекси, юрак индекси (ЮИ) ва айланма қон ҳажми (АҚХ) кўрсаткичлари эканлиги қайд этилган (1-жадвал).

Сирка кислотаси билан захарланишнинг оғирлигини баҳолаш фақат клиник мезонларга мувофиқ амалга оширилган ва оғрик синдроми, оғир кимёвий куйиш ва ошқозондан қон кетиш фонида гиповолемик (экзотоксик) шок ривожланиши билан белгиланган.

Сирка кислотаси билан захарланган беморларда марказий асаб тизимининг бузилиши ва вегетатив дисфункциялар қайд этилиб, барча беморларда кома даражасигача ақл-идрок сусайиши кузатилган (2-жадвал).

4-жадвал

Кучли нейролептик моддалар билан захарланган беморларда Глазго кома шкаласи бўйича онг даражасининг динамикаси

Касаллар гуруҳи	Баллар (Глазго кома шкаласи бўйича)			
	Келган пайтда	1-кун	3-кун	5-кун
I (n= 21)	6 (5;6)	63 (4;7)	8±(7;8)	13 (12;13)
II (n = 68)	6 (5;6)	6 (4;7)	8 (7;8)	12(11;13)
III (n= 14)	5 (4;6)	5 (4;5)	4 (4;4)	4 (3;4)

2-жадвалда келтирилган маълумотлардан кўриниб турибдики, I-гуруҳ беморларида касалликнинг кечиши асоратсиз ўтган ва II-гуруҳ тузалиб кетган беморларида касалликнинг кечиши мураккаб терапия фонида пневмония шаклида яллиғланиш асоратлари билан ўтган, онгнинг сақланиб қолишлик даражасининг босқичма-босқич тикланиши сирка кислота билан захарланиш билан келган пайтда қабулда 6 (5; 6) баллдан даволашнинг 5-кунига 12 (11;13) - 13 (12;13) баллгача етиши кузатилган.

III-гуруҳда касалликнинг даволаниши ва кечиши пневмония, сепсис, полиорган етишмовчилиги кўринишидаги яллиғланиш асоратлари билан ўлимга олиб келган беморларда онгнинг сақланиб қолишлик даражасининг босқичма-босқич сусайиши сирка кислота билан захарланиш билан келган пайтда қабулда 6 (5; 6) баллдан кузатувнинг 5-кунида 4 (3;4) баллгача етиши кузатилган.

Тизимли яллиғланиш реакциясининг клиник кўринишларини, R.Bone томонидан таклиф қилинган таснифни ва аъзолар дисфункцияси SOFA даражаси таснифини ҳисобга олган ҳолда, сирка кислота билан захарланган беморларда биз учта гуруҳда қиёсий таҳлил ўтказилган (3-жадвал).

Хулоса қилиб айтиш мумкинки, сирка кислота билан захарланган беморларни қабул қилишда нормал кўрсаткичлардан қуйидаги оғишлар

аниқланган: қон таҳлилида сезиларли ўзгаришлар, яъни, лейкоцитлар формуласининг чапга ўзгариши ва яққол лейкоцитоз билан тавсифланган бўлиб, тизимли яллиғланиш реакциясининг намоён бўлиши билан тавсифланган. Ушбу беморларни қабул қилишда нормал кўрсаткичлардан куйидаги оғишлар аниқланган: қон таҳлилида сезиларли ўзгаришлар, яъни, лейкоцитлар формуласининг чапга ўзгариши ва яққол лейкоцитоз билан тавсифланган бўлиб, тизимли яллиғланиш реакциясининг намоён бўлиши билан тавсифланган.

3-жадвал

Ўтқир сирка кислотаси билан захарланган беморларда тизимли яллиғланиш реакцияси синдроми белгиларининг ўртача сони ва органлар дисфункцияси даражаси

Касаллар гуруҳи	Белгилар сони (R.Bone)			Органлар дисфункцияси даражаси (SOFA)		
	1-кун	3-кун	5-кун	1-кун	3-кун	5-кун
I (n= 21)	2 (0;2)	2 (1;2)	1 (0;2)	6 (5;6)	4 (3;5)	4(3;4)
II (n = 68)	2 (0;2)	2 (1;2)	2 (0;2)	6 (5;6)	5 (3;6)	4 (3;4)
III (n = 14)	3*(2;4)	3*(2;4)	3* (2;4)	11*(10;13)	12*(9;13)	14*(12;15)

Эслатма: n - кузатувлар сони; * - I ва II гуруҳ беморларига нисбатан сезиларли даражадаги фарқ ($p < 0.05$).

Тадқиқот натижаларига кўра, сирка кислота билан захарланган беморларда тизимли яллиғланиш реакцияси синдроми намоён бўлиши беморларнинг мутлақ кўпчилигида тизимли яллиғланиш реакцияси белгилари ижобий эканлигини кўрсатган. Ўлимга олиб келган беморларда тизимли яллиғланиш реакцияси синдроми фонида касаллик давомида ўсиб борадиган кўплаб полиорган етишмовчилиги ривожланиши кузатилган.

Диссертациянинг «Сирка кислотасидан захарланган беморларда тизимли яллиғланиш реакцияси синдроми патогенезида иммун ўзгаришларнинг роли» деб номланган тўртинчи боби яллиғланиш ва яллиғланишга қарши цитокинлар, С-реактив оқсил, прокалцитонин, фибриноген, D-димер таркиби динамик кўрсаткичлари келтирилган. Иммунологик маркёрларнинг диагностик сезирлиги ва информацион қийматининг роли батафсил тавсифланган.

Сирка кислотаси билан захарланган беморларда тизимли яллиғланиш реакцияси синдроми ривожланиши ҳақида янада ишонарли хулоса чиқариш мақсадида тизимли яллиғланиш синдромининг муҳим патогенетик омиллари бўлган қон зардобидоги цитокинлар таркиби таҳлил қилинган (4-жадвал).

4-жадвалда келтирилган ИЛ-10 таркибининг динамикаси ҳақидаги маълумотларни таҳлил қилиш, даволаш натижасида ўлимга олиб келган сирка кислотаси билан захарланган беморларнинг III-гуруҳида қондаги ИЛ-10 даражасининг реанимация бўлимига қабул қилинганида бир неча бор ошиши, соғлом инсонга нисбатан бу кўрсаткичнинг 54.2 барабар ошиши, касалликнинг кечиши асоратсиз ўтган I гуруҳ беморларига нисбатан 12,3 барабар ошиши ва касалликнинг кечиши мураккаб терапия фонида

пневмония шаклида яллиғланиш асоратлари билан ўтган II гурух беморларига нисбатан 4,1 барабар ошиши аниқланди.

4-жадвал

Сирка кислотасидан захарланган беморларнинг қон зардобидаги ИЛ-10 таркибининг динамик кўрсаткичлари

Гурухлар	ИЛ-10 миқдори (пг/мл)			
	Келган пайтда	1-кун	3-кун	5-кун
I (n=12)	22±1.31* (10; 44)	15±1.31 (8; 28)	13±1.33 (10; 29)	11±1.34* (9; 18)
II (n=34)	66±1.35* (54;82)	19±1.42 (13;30)	16±1.25 *(11;27)	9±1.28 (8;11)
III (n=10)	271±1.78* (94; 391)	131±2.58 (110; 132)	130±1.92* (112; 138)	105±2.68 (82; 117)
Соғлом гурух (n=30)	5±0.31 (0; 8)			

Сирка кислота билан захарланишдан кейинги дастлабки соатларда кузатилган ИЛ-10 секрециясининг кўпайиши бемор организми иммун функциялари бузилиши оғирлигини акс эттирган. Шундай қилиб, 5 кунлик кузатувгача, қабул қилинган пайтдан бошлаб беморларнинг барча гурухларида қон зардобида ИЛ-10 концентрациясининг интенсив ўсиши тизимли яллиғланиш реакцияси синдроми ривожланишининг муҳим сезгир омили ва далили, деб такидлаш муҳимдир.

Сирка кислотаси билан захарланган беморларда TNF-α миқдори ҳам ўрганилган. Уни ўрганиш давомида кузатув даврида соғлом шахсларнинг қон зардобидаги TNF-α таркибида сезиларли ўзгаришлар кузатилмаган, уларнинг қийматлари 0,4 дан 1,1 пг/мл гача бўлган (5-жадвал).

5-жадвал

Сирка кислотаси билан захарланган беморларнинг қон зардобидаги TNF-α таркибининг динамик кўрсаткичлари

Гурухлар	TNFα миқдори (пг/мл)			
	Келган пайтда	1 кун	3 кун	5 кун
I (n=12)	0,4±0.69 (0,0;0,7)	0,5±0.49 (0,2;0,6)	0,8±0.36 (0,0;1,7)	0,8±0.23 (0,0;1,6)
II (n=34)	0,5±0.23 (0,1;0,5)	0,7±0.14 (0,1;0,8)	0,6±0.43 (0,2;0,8)	0,6±0.48 (0,1;0,8)
III (n=10)	1,1±0.46 (0,2;2,2)	0,9±0.43 (0,0;1,6)	0,9±0.56 (0,1; 1,4)	0,8±0.49 (0,3;1,9)
Соғлом гурух (n=30)	1,5±0.03 (0,0; 2,0)			

Эслатма: n - кузатувлар сони; * - соғлом гурухга нисбатан сезиларли даражада фарқли (p<0.05).

Тадқиқот шуни кўрсатдики, дастлабки иккита ўрганилган гурухларда, ИЛ-6 таркиби қабул қилинган пайтида соғлом инсонларнинг нормал кўрсаткичларидан 12,4 -32,2 барабар юқори эди. Ўлим ҳолати қайд этилган III гурух беморларида бу цитокиннинг 65 барабар максимал юқори эканлиги

аниқланди (6-жадвал).

Нейтрофил гранулоцитлар ва қон моноцитларининг функционал фаоллигини тартибга солишнинг муҳим омили фаоллаштирилган моноцитлар ва макрофаглар томонидан ишлаб чиқарилган интерлейкин-8 (ИЛ-8) ҳисобланади (7-жадвал). Тадқиқот натижалари шуни кўрсатдики, сирка кислота билан захарланган беморларнинг қон зардобидаги ИЛ-8 таркиби соғлом одамлардан сезиларли даражада фарқ қилмаган.

6-жадвал

Сирка кислотасидан захарланган беморларнинг қон зардобидаги ИЛ-6 таркибининг динамик кўрсаткичлари

Гуруҳлар	ИЛ-6 миқдори (пг/мл)			
	Келган пайтда	1 кун	3 кун	5 кун
I (n=12)	62±0.97 * (42;91)	71±0.93 (33;116)	27±0.85 * (16;47)	22±0.78 * (11;61)
II (n=34)	161±1.08* (99;209)	173±1.12 (31;298)	69±1.61* (15;111)	89±1.15* (20;152)
III (n=10)	325± 3.68* (173;516)	201± 2.46 (74;237)	155±5.07* (116;233)	313±3.68* (252;575)
Соғлом гуруҳ (n=30)	5±3.47 (2; 23)			

Эслатма: n - кузатувлар сони; * - соғлом гуруҳга нисбатан сезиларли даражада фарқли (p<0.05).

7-жадвал

Сирка кислотасидан захарланган беморларнинг қон зардобидаги ИЛ-8 таркибининг динамик кўрсаткичлари

Гуруҳлар	ИЛ-8 миқдори (пг/мл)			
	Келган пайтда	1 сутка	3 сутка	5 сутка
I (n=12)	2,3±2.98 (0,3; 5,5)	4,1±2.94 (2,3; 6,2)	4,4±2.64 (0,8; 7,8)	5,3±4.49 (1,7; 10,6)
II (n=34)	4,4±1.12 (0,5;7,9)	6,3±1.02 (3,2;8,7)	8,1±1.9 (3,5;12,1)	9,2±1.58 (2,6;14,9)
III (n=10)	7,8±2.52 (4,9; 20,5)	14,3± 2.76 (9,9; 38,5)	14,4± 4.67 (4,3; 33,0)	10,2±5.16 (0,5; 20,0)
Соғлом гуруҳ (n=30)	5,1±1.24 (2,4;7,8)			

Эслатма: n - кузатувлар сони; * - соғлом гуруҳга нисбатан сезиларли даражада фарқли (p<0.05).

Биринчи куни ИЛ-8 нинг сезиларли ўсиши, фақат ўлимга олиб келган беморларнинг III-гуруҳида аниқланиб, соғлом гуруҳ билан таққослаганда анча юқори бўлган (p<0.05), бу эса беморларнинг ушбу гуруҳида тизимли яллиғланиш реакцияси мавжудлигини яна бир бор тасдиқланган.

Тадқиқот маълумотларига кўра, қонда ИЛ-6 пайдо бўлганидан 24 соат ўтгач, унинг таъсири остида яллиғланишнинг ўткир босқичидаги оксиллар, шу жумладан С-реактив оксил (СРО) синтези ошган. Қонда СРО

концентрациясининг ошиши ўткир ва сурункали яллиғланиш фаоллиги, фагоцитознинг самарадорлиги оширишни кўрсатган.

III-гуруҳ беморларида қабул қилинганида СРО таркиби сезиларли даражада ошганлиги аниқланган ва қабул қилинганидан кейинги 5-кунгача кузатувда унинг ошиши белгиланган, аммо соғайиб кетган I- ва II-гуруҳ беморларида динамика бу кўрсаткичнинг пасайиши аниқланган. 5 кунлик кузатув даврида барча беморларда соғлом беморларнинг кўрсаткичларига нисбатан СРО нинг сезиларли ўсиши аниқланган, аммо касалхонага ётқизилгандан кейин 1 кун ўтгач, беморларнинг қонида СРО даражасининг сезиларли даражада ошиши фақат III-гуруҳ беморларидагина аниқланганлиги эътиборли ҳолатдир (8-жадвал).

8-жадвал

Сирка кислотаси билан захарланган беморларнинг қонида С-реактив оксил таркибининг динамик кўрсаткичлари

Гуруҳлар	С-реактив оксил миқдори (мг/л)			
	Келган пайтда	1 кун	3 кун	5 кун
I (n=12)	6±0.5 (2;9)	35±0.5 (13;51)	23±2.4 * (12;42)	14±1.6 * (5;26)
II (n=34)	6±0.89 (2;9)	37±0.89 (12;49)	34±1.69 *(21;58)	15±1.89* (6;30)
